

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (11.001)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Жиззахда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳарда истиқомат қилаётган 80дан ортиқ ёш келин-куёвлар қатнашди.

●Тошкентда Ўзбекистон — Польша бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала мамлакатнинг ташқи савдо масалаларига масъул бўлган вазирликлар ва идоралари, савдо-саноат компаниялари, амалий доиралар вакиллари қатнашди.

●Хоразм Маъмур академиясида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Буюк Британиянинг Кембриж университети ҳамкорлигида ташкил этилган «Магнит ва ўта ўтказувчан материаллар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб келинаётган анжуман магнетизм ва ўта ўтказувчанликнинг янги қирраларини кашф этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

●Матбуот ва оммавий ахборот воситалари агентлигида «Қорақалпоғистон Республикаси ОАВда фаолият кўрсатаётган журналистлар малакасини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш» лойиҳасининг тақдирот маросими ўтказилди.

●Самарқанд вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказига рақамли бошқарувга эга энг янги асбоб-ускуна ва аппаратларнинг дастлабки туркуми келтирилди. Ушбу тадбир Ислам тараққиёт банки кредит йўналиши бўйича амалга оширилган бўлиб, мазкур банк лойиҳаси бўйича мамлакатимиздаги барча марказлар юқори техник даражада жиҳозланади.

●Элликқалъа туманлараро нефть маҳсулотлари Давлат унитар корхонаси хайрия маблағлари эвазига Хўжайлидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига бир миллион 690 минг сўмлик бежирим кийим-кечаклар совға қилди. Таъкидлаш жоизки, кийимлар ҳар бир ўғил-қизга яқка тартибда тиқиб берилди.

●Избоскан туманидаги Мойгир қишлоғида маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Кенг ва шинам ўқув-машғулот хоналари, замонавий спорт залига эга бўлган ўқув масканида 390 нафар йигит-қиз 9 та йўналиш бўйича касбухунар ўрганиш имкониятига эга бўлди.

●Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳар филиалига 654 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналар келтирилди. Хорижда ишлаб чиқарилган рентген диагностикаси, сунъий нафас олдириш ускуналари, портатив ультратра сканерлар, жарроҳлик столлари шулар жумласидандир.

●Намангандаги ўлкашунослик музейида «Ватан туйғуси расомлар нигоҳида» номли кўرғазма ташкил этилди. Кўрғазма давомида унда фаол иштирок этган 4 нафар расомга Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг дипломи топширилди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Украина Президенти Виктор Ющенко мамлакатнинг асосий сиёсий кучлари — «Партия регионов», «Наша Украина» партиялари ҳамда Юлия Тимошенко блокига мурожаат қилиб, уларни ҳамкорликда кенг коалиция тузишга чақирди. Президент фақат шундагина мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш мумкинлигини таъкидлади.

●Покистон Президенти Первез Мушарраф армия кўмондонлигини ўз зиммасидан соқит қилиб, бу лавозимга разведканинг собиқ раҳбари Ашфақ Кийянини тайинлади.

●Венесуэла Президенти Уго Чавес қўшқичлик санъатидан ҳам хабардор эканлигини исботлади. Президент Чавес «Абадий қўшиқлар» деб номланган илк CD альбомини оммага намойиш этди. Ушбу тўпلام Чавес томонидан ижро этилган Венесуэла ва Мексика миллий кўшиқларидан ташкил топган.

●Лондонда Британия маликаси Диананинг фожиавий ўлими сирини аниқлаш юзасидан давом этаётган суд ишида кеча маликанинг илгари ҳеч қаерда кўрсатилмаган сўнгги видеотасвирлари намойиш этилди. Олий судьянинг Диана автомобиль тўқнашувидан сўнг дарҳол касалхонага ётқизилганида унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари катта шов-шувга сабаб бўлди.

●Белоруссиянинг Минск шаҳрида хусусий тадбиркорлар, бозор ва савдо тармоғи ходимлари норозилик намойиши ўтказдилар. Улар назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширувлар ўтказилишига ва товарларнинг ноқонуний мусодарасига қарши норозилик билдирдилар.

●Россиянинг «Газпром» концерни Украинадан шу йил октябрь ойи давомида ўзининг 1,3 миллиард долларлик қарзини узишни талаб қилди. Ақс ҳолда, газ етказиб бериш бир неча бараварга қисқаришини билдирди.

●Америка ҳукумати Ливан бўйича халқаро трибунал ташкил этиш учун 5 миллион доллар маблағ ажратди. Мазкур трибунал мамлакатнинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририй ва бошқа сиёсий арбобларнинг йўқ қилинишида иштирок этган жиноятчиларни суд қилиш билан шуғулланади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Тошкент шимолий темир йўл вокзалида мuddатли ҳарбий хизматга отланган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Тошкент Давлат авиация институтининг Республика Маънавият тарбиот марказининг Тошкент шаҳар ва Миробод туман бўлимлари ҳамкорликларида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деб номланди.

●**КЕЧАДАН** шаҳримизда «Беларусь—2007» миллий кўрғазмаси бошланди.

●**ТОШКЕНТ** шаҳар темир йўл муҳандислари институтининг талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда юртимиз Мустақиллигининг ёшлар камолотида тутган ўрни борасида сўз борди.

●**КЕЧА** Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида мамлакатимиздаги дипломатик корпус ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир Германия бирлиги кунига бағишланди.

●**КЕЧА** шаҳримизда жамоатчилик вакиллари, фаол ёшлар, сиёсатшунос, ҳуқуқшунослар иштирокида Халқаро куч ишлатмаслик кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

●**«ЖАР»** спорт-соғломлаштириш мажмуасида жойлашган Оила маросимлари маркази қошидаги «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчиларининг навбатдаги ўқув машғулотини ўтказилди.

●**ХАЛҚ** таълими вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорликларида ўқувчилар ўртасида уюштирилган «Биз—мустақил юрт фарзандларимиз» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармасида ўтказилган тадбирда мазкур жамғарманинг халқаро микёсда маданият, санъат ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Пушкин номидаги олтин медаль билан тақдирланганлиги маълум қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2007 йил 5 октябрь кuni соат 11-00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлис залда учинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масала киритилмоқда:

—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш тўғрисида.

«ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ» ДЕГАН ИБОРА БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ЛЕКИН ЭЗГУ НИЯТ ҚИЛДИНГМИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА САЪ-ҲАРАКАТНИ ҲАМ БЎШАШТИРМАСЛИК, МАҚСАДГА ДАДИЛ ИНТИЛИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ. НИЯТНИНГ ИЖОБАТИ ЭСА, ШУБҲАСИЗ УНИНГ ЭГАСИНИ ҚУВОНТИРАДИ, ЯНГИ ЮТУҚЛАР САРИ УНДАЙДИ.



Мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл туфайли яхши ниятлари амалга ошган инсонлардан бири «NISO TEKSTIL» хусусий корхонаси раҳбари, тадбиркор аёл Рокия Ҳабиялиевадир. У раҳбарлик қилаётган корхонада бугунги кунда бири-бирдан чиройли, бежирим ва сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, онажонлар ва кичкинтойлар дилини яйратмоқда.

— Ҳозирда замонавий бичув ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган цехларимизда 30 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган, — дейди Рокия Ҳабиялиева. — Мен бундай тикув цехи очилиши ёшигимдан орзу қилгандим. Шўқри, мустақиллик мен ва мен каби орзуси ойдин аёлларга имкон берди, тадбиркор деган ишончли номга сазовор этди. Ҳуқуқимиз ва Президентимизнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига қаратган бекиёс эътиборлари эса янада изланишга, имкониятлардан оқилона фойдаланишга ундамоқда. Энг асосийси эса фаолиятимиз эркинлиги таъминланиб, ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимояланган. Бу юртим иқтисодийига, халқим фаровонлигига ҳисса қўшадиган деган ҳар бир тадбиркорнинг изланишга, янгилик яратишга ундайди. Корхонамиз аҳли ҳам бундан бебаҳ-

ра эмас.

Корхонада харидорларга етказиб берилётган болалар учун керакли ашёлар — чақалоқлар йўргағидан тортиб, уларнинг 3-4 ёшга етгунга қадар зарур бўлган кийим-кечаклар тайёрланади. Асосийси эса ушбу маҳсулотлар 100 фоиз пахтадан тайёрланган сифатли матолардан тикилади. Болалар ашё ва турли либослари моделларини яратишда эса дизайни билан биргаликда қулайлигига, соғлом ўсишларидаги фойдали томонларига эътибор қаратилади. Қисқа давр мобайнида уларнинг тури 100 хилдан ортиб кетди. Маҳсулотларга туширилатган турли безак ва нақшлар, болаларга хос суратлар харидорни жалб этади, албатта. Шу боис бўлса керак, харидорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хаттоки корхона маҳсулотларига қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу эса тадбиркор жамоа аҳлини янада изланишга, янги-янги маҳсулот турлари яратиш устида тинмай ишлашга, бозор ва харидор талабини қондиришга чорламоқда.

Жорий йил бошида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида Президентимиз 2007 йилда иқтисодий ислохотлар-

ни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишни ҳам алоҳида таъкидлаб, «Бир сўз билан айтганда — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда», деб айтиб ўтди.

Албатта, бу борада изланувчан тадбиркор Рокия Ҳабиялиева ҳам ўз хиссасини қўшишни истади. Шу боис ҳам у яқин келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги дастгоҳлар келтириш ва шу асосда ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳаракатида юрибди. Шу ўринда интилганга албатта толе ёр бўлишини яна бир бор таъкидлашни истардик.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: тадбиркор Рокия Ҳабиялиева (ўртада) маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратади, чеварлар Матлуба Ибрагимова ва Гулчехра Айтилаевалар корхона ютуғига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Козим Улмасов олган суратлар

КАТНАШЧИЛАР МАҲОРАТИ ДЕЯРЛИ ТЕНГ


ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИ» КОРТЛАРИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН АЁЛЛАР ШҲТАСИДАГИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧ КУНИ НАТИЖАВАРИ АЙИАН УРТАДАЙ ТАЪРИФЛА ЛОЙИҚДИР.

Маълумки, қуръа ташлаш орқали кимнинг қайси спортчи билан беллашиши аниқланади ва шу билан бирга жаҳон рейтингини бўйича энг кучли саккизта теннисчи сараланиб, алоҳида рақам билан «тамғаланади». «Tashkent open-2007» турнирида бундай шарафга Россия, Белоруссия, Словакия, Руминия вакиллари сазовор бўлганди. Бирок биринчи давра ўйинлари якунига кўра, сараланганлардан бирин-кетин уч нафари, иккинчи даврадаги тўртта ўйин бўйича эса яна бир теннисчи ўз имкониятларини франциялик, белоруссиялик ва ўзбекистонликларга бой бериб қўйди.

Россиянинг тўртта сараланган теннисчисидан уч нафари ҳам ракеткасини ғилофлашига тўри келди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кортга мартур тушган тўртинчи рақамли Елена Веснина (Россия) кейинги учинчи даврадан ўрин эгаллаган бўлсада, аммо Татьяна Пучек (Белоруссия)га рўбару келиб, фақат узок баҳс юришдан сўнг, янги кийинчилик билан уни мағлуб эта олди.

Ақсинча, Оқул Омонулловова эса дастлабки учрашувдан фарқли ўлароқ иккинчи даврада ўзини анча хотиржам тутди. Кутганимиздек, бу ҳамюртимиз бир кун аввал Ирода Тўлағановани ортда қолдирган Ольга Пучкова (Россия)дан «қасд» олишини уудалади ва шу тарика

хеч ким бир биридан кам эмаслигини, спортда кимдир кучли, кимдир ҳали унчалик тажрибасиз бўлиши мумкин, аммо бу борада рақибни менсимаслик ўринли эмаслигини яна бир карра намойиш этди.



Бундай фикр юритишимизнинг эса сабаби бор, албатта. Айрим спортчиларда юртдошларимизга қарши кортга тушишини билгач, «яна бир томонлама ўйин қайтарилди, демак рақибим галаба биз томонда» деган тушуنча одат бўлиб қолган, шекилди.

«Ундай пайтлар ўтиб кетди, ҳеч ким ҳеч кимдан кам эмас, фақат спорт майдонида кучлилар аниқланади», дея шарҳ берди ўзининг кеча эришган зафарига Оқул. Ният қиламиз-

ки, юртдошимизнинг кейинги даврадаги учрашувлари ҳам ҳақиқатда ҳар бир спортчининг имкониятлари қайси давлат вакили бўлмасин, фақат кортда аққол синалишини кўрсатади. Қолаверса, ўз вақтида ўзбе-

ланганидан далолат беради. Бевоқоса бу ҳамюртимизнинг иккинчи даврадаги кирғизистонлик Ксения Палкина билан баҳсига келсак, иккала теннисчи авваллари ўсимирлар ўртасидаги мусобақаларда тез-тез учрашгани боиси ўлароқ маҳорат бобида ўйини ҳам деярли бир-биридан қолишмаслигини тақроқлади. Бунга беллашув натижалари мисолдир: — 7/5, 5/7, 7/5. Энди Ксения Палкина ярим финал учун беллашадиган тўрт номзоднинг бирига айланди.

Жаҳон таснифида 107-ўринни эгаллаб турган Паулина Парментьер (Франция) иккинчи рақам билан сараланган Доминик Цибулкова (Словакия)ни осонликча — 6/2, 6/2 ҳисобида мағлуб этди. Бугун агарда бу франциялик ўйинчи иккинчи даврада россиялик Весна Манашевадан устун кела олса, демак эртага у билан Омонулловова ярим финалга чиқиш учун баҳс юритади.

Дарвоқе, миллий жамоамиз етакчисининг жуфтликда ярим финал учун ким билан беллашиши маълум бўлди — бу белоруссиялик Екатерина Дзехалева ва Анастасия Якимова жуфтлигидир.

Дарвоқе, миллий жамоамиз етакчисининг жуфтликда ярим финал учун ким билан беллашувлари — сараланганларга қарши «валифайнер»лар баҳслари қутилмоқда.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

Йилдан-йилга жамгарманинг дунё пойтахтларидаги ваколатхоналари сони кўпайиб бораётти. Жумладан, у таъсис этилган йили биринчи ваколатхона Москва шаҳрида очилган бўлса, кейинги йилларда улар Пекин, Токио ва Парижда иш бошлади. Бундан ташқари, жамгарманинг Германия, Италия, Бельгия, Люксембург, Миср, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлари ҳам талайгина.

Форум жамгармаси ЮНЕСКО, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония жамгармаси, Германиянинг Гёте институти, Халқаро рассомлар иттифоқлари конфедерацияси каби нуфузли ташкилотлар билан ҳам фаол ҳамкорлик ўрнатган.

Жамгарманинг турли мамлакатлардаги ёрқин лойиҳа ва тадбирлари жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистон маданияти ва санъатининг турли қирралари билан таништирган ҳолда ўртадаги масофани қисқартди, турли халқларни бир-бирига яқинлаштириб келаяпти.

Тошкентдан келган ўзбек миллий санъатининг ёрқин намоёндалари иштирокида Москвада ҳар йили ўтказилувчи анъанавий «Ўзбекистон санъати кечаси» ҳар сафар иккунлик маънодаги катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Кеча давомида москваликлар шаҳарона баҳор муҳитига шунингдек ҳолда санъат оламининг афсоналарига айланган кўшиқчилар билан бир каторда уларнинг ёш ҳамкасблари ижросидаги асарлардан баҳраманд бўлишди, Ўзбекистоннинг замонавий халқ амалии ва тасвирий санъати кўргазмаси билан танишиш баробарида бетакор миллий таомларини ҳам татиб кўришди.

«Шарк ҳақидаги орзулар: рус авангарди ва Бухоро ипаги» деб ном олган кенг кўламли бадиий кўргазма эса рус авангардчиларининг иқоди билан шарқона матоладаги тасвирлар ўртасидаги ҳайратланарли алоқаларни ўзида ақс эттирди. У Санкт-Петербургдаги Кунсткамера музейида уч ой давомида намойиш этилди.

«Ўзбекистон фото санъатининг 125 йиллиги» сайёр кўргазмаси Москва-Пекин-Самарқанд-Арлон-Брюссель-Берлин-Киев-Париж каби катор шаҳарларда муваффақиятли равишда намойиш этилди. Экспозиция шу номдаги уч томли антология-каталокка ки-

ритилган фотосуратлар асосида тузилган бўлиб, унда нафақат фото санъати, балки ўзбек халқи тарихи ҳам ақс этган. Бу нашр фото соҳасидаги миллий меросни тўлқин ва тизимлаштириш мақсадида йўналтирилган илк уринишлардан биридир. Антология Ўзбекистонда фото санъатининг пайдо бўлишидан, то ҳозирги кунгача бўлган даврни ифода этади.

Буюк Ипак йўли мавзусига бағишланган кўргазма ва конференциялар, бизнес-форум ва давра суҳбатлари, болалар суратлари кўргазмаси, япониялик ижрочиларнинг Ўзбекистондаги концерти ва юртимиз санъат-

Париждаги илк тадбири 2007 йил март ойида Франциянинг энг нуфузли кўргазма залларидан бири — Карусель де Луврда бўлиб ўтди. Анжуман Франция жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Форум жамгармасининг Франциядаги ваколатхонаси очилишига бағишланган шоу дастур мохир муסיқчиларнинг чиқишлари, миллий рақслар ва Ўзбекистонлик етакчи дизайнерлар томонидан яратилган либослар намойиши билан уйғунлашиб кетди. Шу кунларда Франция Сенатининг Люксембург саройида «Ўзбекистон фото санъатининг 125 йиллиги» кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди. Икка-

тонда ЮНЕСКО лойиҳаларини амалга оширишга ўзининг муносиб хиссасини қўшиши ҳақида билдирди.

Бундан ташқари, жорий йилда жамгарма «Маданият ривожига қўшаётган улкан хисса, ижод аҳлини доимий равишда қўллаб-қувватлаётгани, Ўзбекистон-Россия маданий ва маданий-маърифий алоқаларини мустаҳкамлаётгани» учун Пушкин номидаги олтин медаль билан тақдирланди. Россия рассомлар уюшмаси томонидан буюк шoirнинг 200 йиллигига бағишлаб таъсис этилган бу олтин медаль Россия зиёлилари номидан замонамизнинг буюк маданият ва жамоат арбобларига тақдим этилди. Пушкин номидаги олтин медаль соҳибдорлари орасида А.Васнецов, Д.Жилинский, В.Иванов, В.Матвиенко, З.Церетели, машҳур халқаро миқёсдаги арбоблар — тарихчи ва жамоат арбоби, Япониянинг Сока университети асосчиси Д.Икеда, Париждаги халқаро санъат шаҳарчаси президенти С.Брюно каби инсонлар бор. Ушбу нуфузли мукофот юртимиз вакиллари орасидан илк бор «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамгармаси Васильев кенгаши раиси Гулнора Каримовага топширилди.

Яқинда эса жамгарма делегацияси Франциянинг Дин-Ле-Бэн шаҳридаги халқаро Лаванда ярмаркасида иштирок этди. Ўзбекистонни фахрий меҳмон сифатида тақлиф этган Европанинг энг узоқ тарихга эга бўлган ярмаркаларидан бири маҳаллий жамоатчиликни юртимизнинг халқ амалии санъати, миллий муסיқа ва рақсларининг ноёб йўналишлари ва албатта, миллий таомлари билан яқиндан таништиришга имкон берди.

Жаҳон ҳамжамиятини миллий маданияти билан таништирувчи тадбирлардан ташқари, жамгарма Ўзбекистондаги халқаро аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам иштирок этиб, мамлакатимизга хорижий делегацияларни тақлиф этган ҳолда юрдошларимизни жаҳон халқлари маданияти ва санъатига ошно қилмоқда. Хусусан, жамгарма «Биенале» Тошкент замонавий санъат халқаро кўргазмаси, Халқаро фотобиенале, «Шарк ва Ғарб: Тошкент чорраҳаси» халқаро фотокўргазмаси, «Иҳодий парвоз» Марказий Осиё ёш режиссёрлари кинофестивали ташкилотчиларидан бири бўлиб келмоқда.

«Жаҳон» АА.

МАДАНИЯТЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРИБ...

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИНИ БУГҲОНАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗДА, БАЛКИ ХОРИЖДА ҲАМ ЯХШИ БИЛИШАДИ. АВВАЛИГА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ХОРИЖДАГИ ТАРғИБОТИСИ СИФАТИДА ТАНИЛГАН ЖАМГАРМА АЙНИ ПАЙТГА КЕЛИБ, МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МАДАНИЯТ, САНЪАТ, ТАЪЛИМ ВА СПОРТНИНГ ТУРЛИ ЙўНАЛИШЛАРИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАШТИРИБ БЎРМОҚДА. УНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ УМУМИЛЛИЙ ХУСУСИЯТ КАСБ ЭТГАН ҲОЛДА УЛАРНИНГ НАТИЖАСИ ҲАМ ҲАМРАФ ҚИЗМИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ ПАЙДО БўЛМОҚДА, ЖАМГАРМАНИНГ ФАОЛИЯТИ ЭСА ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФГА САВОБОР БўЛАЯПТИ.

таларининг Кунчиқар мамлакатдаги чиқишлари — булар жамгарманинг япониялик ше-риклар билан ҳамкорликда мунтазам равишда ташкил этиб келинаётган лойиҳаларининг айримлари, холос. Шунингдек, жорий йил августда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтган япон санъаткорлари ижросидаги миллий рақс ва муסיқалардан ташкил топган концерт дастури Ўзбекистон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, япониялик меҳмонлар Самарқандда бўлиб ўтган «Шарк тароналари» халқаро муסיқа фестивалида ҳам иштирок этишди. Яқин кунларда эса жамгарма томонидан Токиода «Ўзбек кинеси кунлари» ташкиллаштирилади. Тадбир давомида мамлакатимизда сўнгги йилларда ишланган энг яхши фильмлар намойиш этилиши кўзда тутилган.

Жамгарманинг жаҳон маданияти пойтахти

ла тадбир ҳам фотография ва мода санъатларининг ватани бўлиши Францияни лол қолдирди, парижликлар Ўзбекистоннинг янги қирраларини ўзлари учун кашф этиш имконига эга бўлди.

Жамгарма халқаро фаолияти муваффақиятининг эътирофи сифатида Париждаги ваколатхона иш бошлаган кунларда Франция пойтахтида жойлашган ЮНЕСКО бош қароргоҳида мазкур икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди. Бинобарин, жамгарма МДҲ ҳудудидаги ташкилотлар орасида биринчи бўлиб маданият, фан ва санъат соҳасида дунёдаги етакчи тузилма — ЮНЕСКОнинг расмий шериги бўлиш тақлифи келиб тушди. ЮНЕСКО «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармасининг халқаро фаолиятига ёрдам қўраётгани таъйёр эканини илҳом этди, жамгарма эса, ўз навбатида, Ўзбеки-



САМАРАНИ ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИДИ

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига Челябинск давлат маданият ва санъат академиясидан 18 нафар меҳмонлар ташриф буюрдилар.

— Ҳаққонимиз 2006 йилда Челябинск Давлат маданият ва санъат академияси билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган эди, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Абдуҳалил Маверулов. — Ушбу ҳамкорлик натижасида ўтган йилнинг ўзига «Россия ва Ўзбекистон» деб номланган китобни биргаликда нашр қилдик. Бу китобда ҳар икки мамлакатнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, академия ва институтимиз фаолияти, шунингдек муסיқа, санъат ва маданиятига оид профессор ўқитувчиларнинг теран фикрлари ўз аксини топган. Истаёмизки, ушбу дўстона алоқалар аниқ мустаҳкамланиб бораверсин. Бу талабаларимизнинг бундан кейинги ҳаётларида ижобий роль ўйнайди, деган фикрдამиз. Зеро улар айнан шу дўстлик ва ҳамкорликнинг асосий сабабчиларидир.

Челябинсклик меҳмонлар шахримизда етти кун давомида бўлдилар. Институт ҳаёти билан танишиш баробарида, турли хил давра суҳбатлари ўтказилди, факультетлар фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар. Ҳамкорликда дўстлик концертини уюштирдилар ва ўзларининг алоҳида чиқишлари билан тадбирга ўзгача фойда қўшдилар. Шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

—Айни кунларда институтимизнинг 15 нафар талабаси

ва уларга масъул ўқитувчиларимиз ҳам Челябинск шаҳрида ўзларининг концерт дастурларини намойиш қилмоқдалар, — дейди ихтимойий маданий фаолият факультети декани Абдулла Алимов. — Улар бир ҳафта давомида маданий дастурларини кўрсатиб, шаҳарни айланиб, тарихий жойлар билан танишдилар.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон мамлакатини мустақиллик шарофати боис юксак чўққиларни эгалламоқда, — дея суҳбатга қўшилди, Челябинск Давлат маданият ва санъат академияси вакили Елена Брдожа. — Ўзбекистонга биринчи мартаба келишим. Шаҳрингиз ҳам, унинг самимий одамлари ҳам менда катта таассурот қолдирди. Айниқса Ҳасимом мажмуаси, Мустақиллик ва Халқлар дўстлиги майдонлари, Амир Темур хиёбони ва Темирйўл тарихи Давлат музейи бизни жуда ҳайратлантирди. Юртингизнинг нечоғлик гўзаллиги, талабаларингизнинг зукколиги, иктидори, ўқитувчиларнинг меҳнатсеварлигини кўриб рости ҳавасим келди. Уйлайманки, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти билан ҳамкорлигимиз келажакда ўз меваларини беради.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: учрашувлар жараёнидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

«ФАН—ТАЪЛИМ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. БУНИ ТОШКЕНТ Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институти Мисолида ҳам Кўришимиз мумкин.

Таълим

ЎЗАРО ИНТЕГРАЦИОН ҲАМКОРЛИҚДА

Олий ўқув юртининг пахта саноати технологияси ва механика факультети «Ҳомийлар ва васийлар» кенгаши лойиҳаси доирасида тузилган ҳамкорлик дастури ижроси айниқса самарали бўлмоқда.

Хар сафаригдек, бу йил ҳам факультет пахта саноати корхоналарида ўз битирувчиларидан талайгинасини юборди. Бунга жавобан институтига 7200 нуسخа техник адабийлар тортиқ қилинди. 17 миллион сўмлик бундай китоблар янги ўқув йилига совға сифатида олий ўқув юрти китоб жамгармасидан ўрин олди.

Ақбар АЛИЕВ

Семинарлар

ФАОЛИЯТЛАРИДА ФойДА БЕРАДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН ИККИ КУНЛИК Ўқув семинари «УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ СОҲАДА БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ» МАВЗУСИДА БўЛИБ, УНДА ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Мазкур тадбирни «Ўзкоммунўқувташкилотчи» республика ўқув-усулбий ва норматив-инжиниринг маркази, Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ва «Келажак шаҳри ривож» консалтинг маркази ҳамкорликда ташкил қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз жорий йил бошида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида доимий эътибор талаб қиладиган еттинчи устувор йўналишининг коммунал ҳўжалик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқлигини айтиб, «Ширкатлар билан уларга коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва аниқ мустаҳкамлаш, аҳолига қўрсатилаётган хизматларнинг сифати учун ҳар икки томоннинг масъулиятини ошириш лозим» деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу, албатта соҳа ҳодимларига масъулият юклайди. Пойтахтимизда ҳам кундан кунга кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарув компанияларининг сони ортиб бормоқда. Айни пайтда 140 та ана шундай бошқарув ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, йил охиригача уларнинг сонини 250 тага етказиш кўзда тутилган. Бу, албатта кўп қаватли уйларда яшовчиларга сифатли хизмат кўрсатишга муҳим аҳамият касб этиб, рақобатни кучайтиради. Айтиш керакки, ҳозирги пайтда мазкур ташкилотларнинг барча раҳбарларини ҳам уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда қўйлаётган вазифаларни тўри англаш ва бажаришда етарли билим ва тажрибага эга деб бўлмайди. Шу боис ҳам юқоридаги ўқув семинарининг асосий мақсади уларнинг билим ва малакаларини оширишга қаратилди.

Семинар давомида қатнашчилар уй-жой фондини бошқариш ва сақлаш асослари, ширкат мулкдорларининг умумий мулкни бошқариш усуллари, ўз фаолиятидан келиб чиқиб ҳар бир кўрсатилган хизматнинг ҳақини аниқлаш ва бошқа ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича етарли маълумотга эга бўлдилар. Бошқарув ташкилотларини тузишдан кўзланган мақсад ва вазифалар, унинг ташкилий тизими ҳамда ҳодимларни танлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Икки кунлик семинар давомида тингловчилар шунингдек, фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда амалий вазифаларни ҳам бажардилар. Тадбир барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди ва келгуси ишларида яхши самара бериши таъкидланди.

Шарофат БАҲРОМОВА

АҲОЛИНИ АҲБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙўлиДА

ЎЗБЕКИСТОН АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КОМПАНИЯЛАРИ УЮШМАСИ ҚОШИДА ЭЛЕКТРОН БОШҚАРУВ БўЙИЧА КОМПЕТЕНЦИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ҳозирги даврнинг юксак талабларини қондиришга хизмат қиладиган янги марказ фаолиятининг асосий йўналиши дастурий таъминот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш технологияларини барча тармоқларга тақдим этишдан иборат бўлади. Тақдимот маросимида аҳборот технологияси кириб борган барча соҳанинг вакиллари ўртасидаги ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш халқаро миқёсдаги бизнесни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Чунки электрон бошқарувни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича энг сўнгги маълумотлар билан жиҳозланган марказ дастурий таъминот маҳсулотларини бизнесда самарали қўллаш, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ихтисослашган. Энг муҳими йирик маълумот лойиҳалар юзасидаги техник экспертиза ўтказиш мумкин. Бундан ташқари марказ маҳаллий маҳсулотларини жаҳон бозорига электрон майдон орқали тақлиф этиш имконини беради.

— Ушбу марказда маълумот технология соҳасидаги энг яхши ва сўнгги ютуқлари, дастурий йўналишдаги маҳсулотларни ҳамда бевосита ушбу маҳсулотлар намуналарини кўриш мумкин. — дейди мутахассис Акмал Исроилов. — Марказнинг асосий йўналиши эса аҳоли ўртасида аҳборот коммуникация тизимларини оммавийлаштиришга қаратилган.

Рустам ҲАЙДОРОВ,
«Туркистон-пресс»

ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМ

БўЛАЖАК ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙўлиДАГИ МУҲИМ БОСКИЧДИР. КўП ПАРТИЯВИЙЛИК ШАРОИТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЗКУР САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ИЗЧИЛ ШАКЛЛАНИБ, ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ОНГИ ЎСИБ БОРАЁТГАННИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, САЙЛО КАМПАНИЯСИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ ЗАРУР ВА БУ КАМПАНИЯ ПАРТИЯ УЧУН ЖИДДИЙ СИЁСИЙ СИНОВ БўЛАДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

Тошкентда 3 октябр кунини Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгашининг бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда сўз юритилди. Унда петициянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, бошланғич ташкилотлари фелларари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловидан иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Пленумда, шунингдек, 2007 йилнинг нояб-декабрда партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов номзидини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига низо сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига йиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎЗА

Кун тартибидан: ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

ТОШКЕНТДА «МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АТРОФ-МУҲИТ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ВА ҲАЛ ЭТИШ ЙўЛЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН БўЛИБ ЎТМОҚДА. УНИ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД МИНТАҚАМИЗДА ЭКОЛОГИК АҲВОЛНИ ЯХШИЛАШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОИЖ ОЛИМЛАРИНИНГ САЪ-ҲАРАКАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ. ТАДБИР ҲОАЗИ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ФАНАР АКАДЕМИЯСИ ВА МИЧИГАН УНИВЕРСИТЕТИ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР МАРКАЗИ (АҚШ) БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Анжуманда 20 мамлакат, жумладан, Россия, Ялвения, Германия, АҚШ, Украина, Франция, Шэция, Япония ҳамда Марказий Осиё минтақаси давлатлари олим ҳамда мутахассислар иштирок қилмоқда.

Хоразм Маъмур академияси раиси Р.Эшчов анжумани очар экан, сўнгги ўн йилликда Марказий Осиё минтақалари ўтган асрда пухта ўйлашга ҳўжалик фаолиятини юритиш ва глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келган қатор жидди экологик муаммоларга дуч келганини таъкидлади.

Эски тузум давридаги атропоген таътирланган эътиборсиз муносабатнинг салбий оқибатлар бугун ҳам сезилмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси илан вазиятни тубдан яхшилаш бўйича қатор чор-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун катта миқдордаги давлат маблағлари ажратилмоқда, қўшимча инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилаётди.

Бу ҳол қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг таътирланган эътибори натижасида юзгача келган қатор жидди экологик муаммоларга дуч келганини таъкидлади.

Эски тузум давридаги атропоген таътирланган эътиборсиз муносабатнинг салбий оқибатлар бугун ҳам сезилмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси илан вазиятни тубдан яхшилаш бўйича қатор чор-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун катта миқдордаги давлат маблағлари ажратилмоқда, қўшимча инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилаётди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари (дида турган катта муаммо — дарёларни ифлослантирадиган энг асосий манба ҳисобланган сизот суарини утиллаштириш ҳамда тозалашдир. Ўзбекистонлик олимлар бу муаммони самарали ҳал этишни янги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суришнинг замонавий услубларини қўллаш, коллектор-дренаж тармоқларини яхшилаш, шунингдек, унчал минараллашмаган сизот суварининг бир қисминини фойдаланиш тақлиф этмоқда. Айни пайтда Амударёнинг хар икки қирғоғида коллекторлар қилиши давом эттирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Орол денгизи атрофидаги ҳудудларни суришни йўлга қўйиш ва ўсимликлар ўсишини қай-тик-лашга ёрдам беради.

Анжуманда Марказий Осиёнинг экологик муаммолари бугун глобал хусусиятга эга бўлаётган, шу боис турли мамлакатларнинг илмий ҳамда амалий саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, уларни сларали бартараф этиш мумкинлиги қайд этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университетини профессори Рашид Қулматов, Мициган университетини Глобал экологик ўзгаришлар маркази директори Жи Чи, Япониянинг Киото университети профессори Цунео Цукатани, Германиянинг Гейльсберг шаҳри университетини профессори Тимо Гейль, ўзбекистон муаммолари билан шуғулланадиган Франциялик мутахассис Ричард Эскадафал, Қозғоғистоннинг Экология ва иқлим институти лойиҳаси раҳбари Любья Лебедев ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Шу ҳафта охиригача давом этадиган ушбу анжуманда экология илм-фанининг янги йўналишлари, жумладан, экология иқтисодиёти соҳасидаги тадқиқотлар, экология тизими ва жараёнларини математик моделлаштириш услублари, экологик ўзгаришлар нуқтани назаридан барқарор ривожлантириш муаммолари, шунингдек, бу борадаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокамэтилмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мўбири

Бетгер ўқишлари

КУТУБХОНА ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА

А. НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ШУ КУТУБХОНАНИНГ ИЛМИЙ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ БўЛИМИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН АНЪАНАВИЙ ОЛТИНЧИ «БЕТГЕР ЎҚИШЛАРИ» БўЛИБ ЎТДИ.

Ахборот кутубхона марказлари директорлари, ходимлари, ўқув юрти профессор-ўқитувчилари қатнашган бу сафарги давра суҳбати «Кутубхона тарихий ўзгаришлар даврида» мавзусида бўлди.

Давра суҳбатига тақдим этилган: Библиография, китоб, китобхон: тарих ва замонавийлик; Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ривожлантириш тарихи, ҳолати ва истиқболлари; Ахборот маданиятини шакллантиришда кутубхоналар, архив ва музейларнинг роли; Тарихий-кутубхоначилик жараёнида шахсининг ўрни; Миллий электрон ресурсларни шакллантириш; Кутубхоначилик хизмати ва мутлола маданиятини шакллантириш каби маъруза ва бошқа чиқишлар билан бирга таъкил кутубхонашунос, библиограф, тарихчи, китобшунос ва педагог Евгений Карлович Бетгер тузилган кунининг 120 йиллиги муносабати билан, унинг Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ривожлантиришга оид фаолиятига доир маърузалар ҳам бўлди. Ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи кўргазма намойиш этилди. Асарлари тақдимоти бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг библиография кўрсаткичлар, илмий тадқиқотлар, фондларни ташкил этиш, каталоглар яратиш, китобларни излаш бўйича ишланмалари ҳозиргача китобхоналарга хизмат қилмоқда. Унинг Россия давлат кутубхонасидан (Москва) топган «Туркистон тўплами»нинг 29-жилди ва 417-591-жилдларига, «Туркистон тўплами» саҳифаларида «Киргизистон»га, «Туркестанская старина»нинг икки жилдига, «Туркестанские ведомости»нинг расмий қисмига тузилган кўрсаткичлар, «Асосий кутубхоначининг қадимий ва ноёб китобларининг хронологик шарҳи», «ХVI-ХVII асрлар рус китобларининг хронологик шарҳи» сингари тадқиқотлари ҳамда Е.К.Мейендорфнинг 1826 йилда Парижда нашр этилган «Оренбургдан Бухорогача сабаҳат» французча китобининг таржимаси илмий, адабий меросида салмоқли ўрин эгаллайди.

Давра суҳбатига қилинган маъруза ва бошқа чиқишлари китоб ҳолида чоп этишга қарор



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ХИКМАТЛАР

Юзи чиройлисина истама, хулқи яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёруғ қилади.

Ким хотин олайин деса, тўрт тоифадан ташқари хотин олмайд. Баъзилар зўр иштиёқ билан яхшигина бой хотин истайдилар, яна баъзи бировлар кўз тиқиб, чиройлисина истайдилар. Тагин баъзи бировлар уруғли, таги аслларини сўроқлайдилар, улар улуглик номидан фахрланадилар. Тагин баъзи бировлар фаросатли, андишаларини истайдилар.

Булардан энг афзаллини сенга айттайин — хотин оладиган бўлсанг, менга кулоқ сол:

Эй бой хотин истовчи, сен унга кул бўлиб қолмагин — (бундай хотиннинг) фикри-зикри мол билан бўлиб, тилини узун қилади: унинг мол истаб қилган гурбатларини кўтариш керак бўлади.

Эй чирой истовчи кишиларнинг яхшиси, хотиннинг чиройлисина қидирма — одамлар устингдан куладилар, чунки хотиннинг чиройлисина барча халқлар севадилар.

Эй олий зотли хотин истовчи, олий олдида ўзини қадрсиз қилмаслик керак — насл-насабли, зоти улугларнинг тили узунроқ бўлади, хотиннинг кули бўлмагин.

Эй фаросатли, андишали хотин истовчи жўра, бундай хотинни топсанг, юқорида саналган тўрт нарсага тугал эришасан.

Хотиннинг чиройи хулқидир.

Қанчадан-қанча обрўли кишиларнинг хотинлар туфайли юзлари ерга қараган.

Қанчадан-қанча донгдор, шарафли мардларни хотинлари тириклайин ерга кўмганлар.

Ўзингни унутма — аслингни эслаб тур.

Аёллардек ортиқча сертакаллуф бўлма.

Агар сенга иш ихтиёри тегса, режалик бўл, ишни билим билан амалга ошир.

Дунё фиску фасодлари гийбатдан чиқади.

Қорага яқинлашма, эй асли оқ, оққа қора тез юқади.

Кимга севинч келса, сен (ҳам) севингин, Ғам-қайғу ошса, (сен) ҳам ғам чеккин.

Ошнанг душман бўлса, жонингга қасд қилади.

Ё терган, жам қилган нақд молинга (қасд қилади).

Икки турли кишига аралашма, узоклаш, Аралашдингми (бас), фитна кўтаради, кўр. Бири — гийбатчи, чақимчилик қилувчи, Бири — иккиюзламачи киши, таъмагир.

Қаерда давлат бошнини кўтарса, Сен унга мослаша бер, эй эзгу киши.

Сўз бўрон, шамолдир — кўнгилни оғритади.

Улуғни кадрла, хурматини сақла, Сенга (ҳам) улуглик келади, кут юқади.

Ёмонга ўша ёмон тенгида ёмон бўл.

Барча сўзни сўз деб тилдан чиқарма.

Билимсизнинг хулқи мутлақо тубандир.

Кўнгил орзу қилмаса, жон асир бўлмайди.

Жафо билан унган, парваришланган дарахтнинг меваси оғу бўлади.

Ўғил-қиз туғилса, яхши билки, бас, Уйда тарбия қил, бошқа ердасмас. Устознинг яхшисин танла албатта, Ўғил-қиз пок ўсар, ёмондан четда. Ўғил-қизга ўргат билим ҳам одоб, Бахтга ёр бўлар у, бўлмагай хароб.

Ўғил топсин санъат-хунарда камол, Бу хунар билан у тера берар мол. Ўғилни тергаб тур: бўш қўйма синжор, Бенаф, бебош бўлар, югурар бекор.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ЛОКОМОТИВ»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН 22-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ЛОКОМОТИВ» ЖАМОАСИГА МУҲИМ УЧ ОЧКОНИ ҲАДЯ ЭТДИ.

Жорий йилги мавсумда анча муваффақиятсиз иштирок этиб, турнир жадвалининг куйи поғоналарида бораётган темирйўлчилар ушбу турда ўз майдонларида «Трактор» жамоаси билан куч синашди. Мурасиз, қизиқарли ва тенг курашлар остида кечган учрашувда мезбонларга омад кулиб бокди. Беллашувнинг 1-дақиқасидаёқ Бойдуллаев мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобда жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса, биринчи бўлим ўрталарида мезбонлар ҳужумини қайтариш ниятида тўлга ташланган тракторчи Баҳром Йўлдошев ўз дарвозасига гол киритиб қўйди. Ана шундан сўнг мезбонлар анча тезкор, комбинацион ўйин намойиш эта бошлашди ва Карлен Абрамов аниқ ҳаракат қилиб орадаги фарқни қисқартиришга эришди.

Хар икки томон учрашув якунлангунга қадар ҳужумкор ўйин намойиш этган бўлса-

да, 2:1 ҳисоби ўзгармай қолди. Сафарда «Тўпаланг» жамоаси мезбон билан пахтакорчилар Копадзе томонидан 26-дақиқада киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар кучишди.

Шунингдек, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилаётган «Қурувчи» футболчилари ўз майдонларида «Бухоро» жамоаси аъзоларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, муҳим очколарни қўлга киритишди. Дарвозага голларни Гочкулиев (2 та) киритди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртанг»—«Металлург»—2:1, «Вобкент»—«Машъал»—2:4, «Андижон-Уз»—«Самарқанд—Динамо»—1:1, «Насаф»—«Навбахор-Н»—1:0.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 23-тур бахслари 5,6 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

АЛЕКСАНДР ЦЗЮ ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚЧИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ АЛЕКСАНДР ЦЗЮ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ.

Кувонарлиси, кун кеча Бекободда профессионал бокс бўйича уюштирилган рейтинг жанглирини кузатган Цзю ўзбекистонлик шу соҳа мутасаддилари ва мутахассислари билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини яшириб ўтирмади.

Чунки боксдаги фаолия-

тини тугатгач, Александр Цзю Россия ва Австралиядан профессионал бокс мактабларини ташкил қилган. Хозирда ушбу мактабларда юзлаб болажонлар профессионал бокс сирларини кунт билан ўрганишмоқда.

Умид қиламизки, мамла-

катимизда ҳам профессионал бокс мактабларини очиб ниятида бўлган Цзюнинг орзулари ушалади ва келажакда ўзбекистонлик ёш чарм қўлқор усталари халқаро майдонларда муваффақият қозониб юртимиз байроғини баланд ҳилпиратадилар.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ ҲАР БИР СОҲА, ТАРМОҚ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ТУРЛИ ХИЛ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРИШ, УМУМАН ОЛГАНДА АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ ОРАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНДИ.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

Куни кеча шахримизда Республика Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғаримаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида энгил атлетика мусобақалари ташкил этилди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлар халқ таълими муассасалари ходимлари ўртасида 1000 нафар хаваскор спортчи иштирокидаги саралаш

турнирида муваффақият қозонган 84 нафар ўқувчи финал босқичида ўзаро беллашди. Шуниси қувонарлики, энгил атлетиканинг э-тафета мусобақаларида маррага биринчи бўлиб андижонликлар етиб келган бўлса, пойнт шаҳри жамоасига иккинчи, қорақалпоғистонликларга учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақа якунида голиб ва совриндор жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

РУСЛАН БИЛАН КИМ БЕЛЛАШАДИ?

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЎТА ОҒИР ВАЗНИДА ҲВА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, РОССИЯЛИК НИКОЛАЙ ВАЛУЕВ АМАЛДАГИ ЧЕМПИОН, ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВГА ҚАРШИ ДАВВОГАРЛИК ЖАНГИ ЎТКАЗИШИ МУМКИН.

Гап шундаки, Николай Валуйев ўзининг навбатдаги рейтинг жангида канадалик Жан-Франсуа Бержеронни мағлубиятга учратди. 12 раундлик беллашув Валуйев устунлигида якунланди. Энди Валуйев навбатдаги жангини беларуслик Сергей Ляковичга қарши ўтказишни мўлжаллаётти. 2008 йилда уюштирилган ушбу баҳс голиби чемпионлик камари учун Чагаев билан беллашиши мумкин.

Агар ушбу жангда Валуйев ғалаба қозонса бокс муҳлислари Чагаев-Валуйев ўртасидаги қизиқарли баҳснинг гувоҳига айланишади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Чагаевга Лякович даъвогар бўладими ёки Валуйевми, ҳар қалай буни вақт кўрсатади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Шажара қанчалик керак, кимларни қизиқтиради, деган саволга у ҳаммамизни, ҳозирги ва келгуси авлодни қизиқтиради деб, жавоб берамиз. Ахир тарихсиз бирор-бир инсон, оила, жамоа, эл, халқ бўлмайди. Агарда кимда-ким ўз тарихини билмаса, хурмат қилиб ардоқламаса, ота-онасининг ўтган ҳаётини эъзозламаса, унда келгуси замонга у нима билан кириб боради? Агарда ҳар бир инсон ота-онасининг ҳаёти ва ўтган даврида иззатини қилмаса, эр рафиқасини ёки рафиқаси эрини, болаларини ҳурматламаса, билсинки, у илдизи қурган дарахтни сугориб, манфаат кўрмоқчи бўлгандек бўлади. Инсон нафақат муқаддас ҳаётида, табиатнинг ноз-неъматини, ҳаёт нашидаларидан манфаатдор бўлиши керак, балки унга шу нурларни берувчидан, яратувчидан миннатдор ва садоқатли бўлиши талаб этилади.

Ўз тарихини тўғрисида билишга қизиқярсизми, тегишли тарихий маълумот бериб ООО «MULK-BAHO» корхонаси хизматидан фойдаланинг. Агар авлодингиз дарахтини яратмоқчи бўлсангиз бизга мурожаат қилинг.

Бизнинг манзилимиз:
Тошкент-700011,
М-14, 3-уй, 30-хона
ООО «MULK-BAHO» корхонаси.

Ўз муаммоларингизни ўзингиз ҳал қила олишингизга биз ишонамиз. Лекин ҳеч қандай муаммоингиз йўқлигига асло ишонмаймиз. Баъзида, улар шу қадар кўпайиб кетадики, уларни яққа ўзингиз ечишингиз мушкул бўлади. ООО «MULK-BAHO» корхонаси юкингизни энгил қилиб, муаммоларингизни ҳал этишингиз мақбул йўлини топиб беришга кўмаклашади.

Агар қизларингизни ҳаётга, турмушга тайёр бўлиши, ҳозирги кундаги шароитларни тўғри тушунадиган, ўзини доно, меҳрибон, ибодли ва билармон тута оладиган бўлишини хоҳласангиз бизнинг «Келинлар институтига»га мурожаат этинглар.

Қизларимизнинг соғлом, фидоий бўлишлари, меҳнатларининг унумли кечиши, дунёқарашларини тўғри тушуниш ва уларни руҳлантирадиган шароитлар яратиш имкониятларини кўрсатишда бизнинг етакчи мутахассисларимиз ёрдам берадилар.

ООО «MULK-BAHO» корхонасида психология, этикет, эстетика, ҳуқуқ, никоҳ ва тўй маросимлари, уларга тайёргарлик, оилани режалаштириш, тиббиёт, бозор иқтисодиётида оила бюджетини, оилага моддий ёрдам бериш (кичик бизнес), оила ва фарзанд, оила имиджи, оила тинч-тотувлигини сақлаш, ўйини тутиш, кийим-кечак, байрам ва анъаналари, шахс ва жамият каби бир неча долзарб масалаларни ёритиш учун маслаҳатлар ташкил этилади.

Маслаҳатлар асосан шахсга, унинг имкониятини кўрсатишга ва унинг ҳаётга дадил қадам қўйишига йўналтирилган.

Ёшлик ва ҳаётга илк қадам қўйишда зарур бўлган илм, тажриба, илғор гоя ва олижаноб маслаҳатларни ўрганмоқчи бўлсангиз маслаҳатларимизда қатнашинг.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, М-14, 3/30

Тел: 144-58-65, 104-99-32. Факс: 144-58-65.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ БУХГАЛТЕР, ИҚТИСОДЧИ ВА ИЧКИ АУДИТОРЛИК ВАКАНСИЯ ЎРНИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лар бўйича маслаҳатлар бериш.

Ички аудиторлик номзодига асосий талаблар:

- Аудиторнинг малака шаҳодатномаси;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини ёки қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида эквивалент тарзда ҳисобга олинган чет эл олий таълим муассасаларини тамомлаганлик тўғрисида олий маълумотга эга эканлиги;
- кейинги ўн йилнинг камида 2 йилда бухгалтерлик ҳисоботлари, аудит, молия ва солиқ назорат соҳаларида амалий (ўриндошлик тарзида) ишлаб, меҳнат стажига эга бўлган;
- олдинги иш жойидан тавсифнома.

Ички аудиторликнинг асосий лавозим мажбуриятлари:

- РКМБ Кузатув Кенгагининг ҳар йили тасдиқлаган иш режаси асосида текширув йўли билан аудит ўтказиш (чорак ва ҳисобот йили бўйича);
- тузилган хўжалик шартномаларининг қонунчилик талабларига тўғри келишлигини тақриздан ўтказиш;
- Республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиалларига молия, солиқ, банк ва қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар бериш.

Ички аудиторликнинг асосий лавозим мажбуриятлари:

Бухгалтер ва иқтисодчи лавозимларига талаблар:

- иқтисод бўйича олий маълумотли;
- ўзбек ва рус тилларини биладиган;
- бухгалтер ҳисоботларини, солиқ ва дастур (1 с-бухгалтерия)ларни яхши тушунадиган;
- камида 3 йил бухгалтерлик иш стажига эга бўлган;

РКМБнинг кафолатлари:

- йил бўйи иш ҳақининг барқарор таъминланишига;
- мукофотланишига ва ижтимоий аҳолининг яхшиланishiга;
- овқатланиш ва жамоат транспортида юриш харажатларини қоплаш компенсациясининг тўланишига;
- корхона ҳисобидан ўқитишга ва мартабасининг юқорилашига кафолат берилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 1а-уй.

Телефонлар: 228-90-23, 228-80-31, 228-80-26

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г- 906

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нускада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 23 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига куйидаги автотранспорт воситасини қайтадан қўймоқда

Тошкент шаҳар, Яққасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 16 сентябрдаги 2-21/05-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилдаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 11М93-06 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси қўйилди. Бошланғич баҳоси-596286 сўм 48 тийин.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун хариддорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан закат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел.138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 14.06